

9-10-2019

ANTISEMIC RELATIONS OF GENERATIVE LEXX IN UZBEK LANGUAGE

Irodakxon Kxoldorova
lecture teacher FerSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kxoldorova, Irodakxon (2019) "ANTISEMIC RELATIONS OF GENERATIVE LEXX IN UZBEK LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 57.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/57>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ANTISEMIC RELATIONS OF GENERATIVE LEXX IN UZBEK LANGUAGE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГЕНЕРАТИВ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ АНТИСЕМИК МУНОСАБАТИ

Иродахон Холдарова, ФарДУ катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада ўзбек тилининг лексик системасида ўз ўрнига эга бўлган генератив лексемаларнинг семалари, улар ўртасидаги антисемик муносабатлар хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: генератив лексемалар, антисемия, дифференциал, интеграл, оппозитив, ассоциатив, парадигма, синтагматик муносабат, сема, архисема, ассоциат.

АНТИСЕМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ГЕНЕРАТИВНЫХ ЛЕКСЕМ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Иродахон Холдарова, старший преподаватель ФерГУ

Аннотация. В данной статье обсуждаются семы генеративных лексем, имеющих своё место в лексической системе узбекского языка, и их антисемические отношения.

Ключевые слова: генеративные лексемы, антисемия, дифференциальные, интегральные, оппозитивные, ассоциативные отношения, парадигма, синтагматические отношения, сема, архисема, ассоциат.

ANTISEMIC RELATIONS OF GENERATIVE LEXX IN UZBEK LANGUAGE

Irodakxon Kxoldorova, lecture teacher FerSU

Abstract. This article discusses semes of generative lexemes that have their place in the lexical system of the Uzbek language, and their anti-semantic relations.

Keywords: generative lexemes, antisemia, differential, integral, oppositive, associative relations, paradigm, syntagmatic relations, seme, archisema, associate.

Ўзбек тилининг лексик тизимида генератив бирликлар муҳим ўрин тутди. Генератив лексемаларни структур-семантик асосда тадқиқ этишда мазкур парадигма доирасига кирган лексемаларни муайян асослар орқали ички гуруҳларга ажратиш, улар ўртасидаги муносабатларни мукамал таҳлил этиш катта аҳамиятга эга. Хусусан, генератив лексемалар парадигмасидаги луғавий бирликлар ўзаро антисемик муносабатга киришади. Генератив лексемаларни мазмун жиҳатдан қандай парадигмалардан ташкил топганлиги, бу майдонларнинг ички тузилиши ва тузилиш бирликларининг ўзаро муносабати, узвий боғлиқликларини аниқлаш уларнинг зидланиш муносабатларига чамбарчас боғланади.

Ўзбек тилшунослигида антисемия ҳодисаси бўйича монографик изланиш олиб борган Д.Абдуллаеванинг таъкидлашича: “лексик бирликларнинг семантик таркибида қарама-қаршилик муносабатига асос бўла оладиган семаларнинг мавжуд бўлиши антисемия ҳодисасини белгилайди. Лингвистик ҳодиса сифатида антисемия антонимияга нисбатан кенг қамровга эгаллиги билан характерланади. Ҳар бир

антонимик жуфтлик марказида антисемия ётади, бироқ ҳар қандай антисемик муносабат антонимия бўла олмаслиги мумкин. Антонимия – антисемиянинг юқори чўққисидир” [1,21-22]. Хусусан, генератив лексемаларнинг асосини “ҳаёт” ва “ўлим” архисемаси ташкил этади. Парадигма таркибидаги қолган барча луғавий бирликлар у ёки бу асосда мана шу сема атрофида бирлашади.

Маълумки, сўзнинг семантик структураси (ифодаловчи, ифода, ифодаланмиш) лексик системанинг элементи сифатида белгиланади. Системалараро муносабатдошлик сўзнинг семантик структурасини ўзгартиради. Бу ўзгариш ифодаловчида кузатилса, ўз навбатида, ифодада (тушунчада) ҳам намоён бўлади. Генератив лексемалар семалари таркибидаги айрим семалар ўзаро дифференциал, айна вақтда, оппозитив муносабатда бўлади. Ана шу семалар бирликлар ўртасидаги антисемик муносабатни таъминлашга хизмат қилади.

Қуйида ўзбек тилидаги предмет, шахс, белги, жараён англаувчи генератив лексемаларнинг антисемик муносабатларига тўхталиб ўтаемиз. Ўзаро антисемик муносабатга киришган генератив бирликлар қуйидагича ички мазмуний гуруҳларга ажратилиши мумкин:

- “воқелик” семали генератив лексемаларнинг антисемик муносабатлари: *ҳаёт* – *ўлим*;

- “шахс” семали генератив лексемаларнинг антисемик муносабатлари: *доя* – *гассол*;

- “белги” семали генератив лексемаларнинг антисемик муносабатлари: *тирик* – *ўлик*; *соғ* – *хаста*; *бардам* – *заиф*;

- “жараён” семали генератив лексемаларнинг антисемик муносабатлари: *яралаш* – *йўқолиш*; *келиш* – *кетиш*; *улгайиш* – *кексайиш*; *қизариш* – *саргайиш*; *яшнаш* – *сўниш*(*қуриш*).

Биринчи гуруҳга кирувчи “воқелик” семали *ҳаёт* ва *ўлим* лексемалари “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да шундай берилади:

Ҳаёт – яшаш, мавжуд бўлиш, тириклик; инсон, ҳайвон, ўсимликларнинг туғилганидан (юзага келганидан) ўлгунга (йўқ бўлгунга) қадар бўлган физиологик ҳолати, тирик, мавжуд, яшаётган ҳолати; яшаш муддати умр [2,475].

Ўлим – инсон ёки ҳайвон ҳаётининг тўхташи; вафот, қазо; жон таслим қилиш, жон бериш жараёни, вақти [2,149].

Масалан:

Ҳаёт ва ўлим оралигидаги жуда ҳам қисқа масофани қанчалик машаққат билан босиб ўтганини қандоқ қилиб унутмай?! (С.Аҳмад, Йўқотганларим ва топганларим)

Берилган парчада *ҳаёт* ва *ўлим* лексемалари иштирок этган бўлиб, *ҳаёт* луғавий бирлиги таркибидаги “яшаш”, “тириклик”, “умр”, “ўткинчи” семалари *ўлим* лексемасидаги “йўқ бўлиш”, “туғаш”, “боқий” семалари ўзаро зидлик учун хизмат қилади ва икки лексема ўртасидаги антисемиянинг юқори даражаси бўлган антонимик муносабатни шакллантиради.

Шахс умумий белгиси билан бирлашган *доя*, *гассол*, *гўрков* сингари лексемалар ҳам бир-бири билан антисемик муносабатга киришади. Мазкур бирликлар “шахс”

архисемаси билан “касб-кор” семаси остида бирлашади. Бу лексемаларнинг зидланиши учун улар ўртасидаги ассоциатив муносабатлар ҳисобга олиниши зарур.

Ўзбек тилидаги ассоциатив муносабатлар юзасидан олиб борилган тадқиқотларда “тилнинг сиру синоатлари билан қизиққан китобхонларни ўзбек тилшунослигига эндигина кириб келаётган ассоциатив тилшуносликнинг таянч тушунчалари билан таништириш, ассоциатив таҳлил усуллариининг тилни ўрганишдаги устуворлигини илмий асослаш, тилшуносликда ассоциатив муносабат масаласининг ўрганилиши, ўзбек тилида вербал ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши, ассоциатив бирликларнинг хусусиятлари, таснифи, ассоциатив тажриба методининг моҳияти, ассоциатив луғатларнинг тузилиши ҳақида” батафсил фикр юритилади [3,6].

Доя, гассол, гўрков каби лексик бирликларнинг ассоциатлари сифатида олинадиган *чақалоқ, тугдириш; мурда, ювиш, кўмиш* лексемалари ўзаро антисемик муносабат учун асос бўлади. Яъни: *чақалоқ – мурда; тугдириш – ювиш, кўмиш* тарзида зидланади.

Бир келмакнинг бир кетмаги бор деган гапга қандоқ кўникай!(С.Аҳмад, Йўқотганларим ва топганларим)

Берилган гапда *келмак(келмоқ, келиш)* ҳамда *кетмак (кетмоқ, кетиш)* лексик воситалари иштирок этган бўлиб, *келмак* лексемаси ҳаётга келиш, яшаш маъносини билдириб, лексема таркибидаги “туғилиш”, “бошланиш”, “яшаш”, “мавжудлик” семалари ўлмоқ маъносини англатувчи *кетмак* лексемасининг “ўлиш”, “тугаш”, “йўқлик” семаларига зидланади ва бу бирликларнинг антисемик муносабатлари намоён бўлади.

Шу пайтларда Шайхзоданинг “Ўлганда юз соат йиглаб тургандан, уни тиригида бир соат йўқланг” деган сатрлари ёдга тушади (С.Аҳмад, Йўқотганларим ва топганларим).

Берилган гапдаги *ўлганда* ва *тиригида* генератив бирликлари *йиглаб турмоқ* ва *йўқламоқ* ифодалари билан синтагматик муносабатга киришиб, уларнинг семалари орасидаги “ҳаёт” ва “ўлим”, “афсус” ва “таскин” семалари антисемик муносабатга киришмоқда. Гарчи *тирик* ва *ўлик* лексемалари ўзаро антонимик муносабатга киришса-да, *ўлганда* ва *тиригида* сўзлари антонимик муносабатда эмас. Аммо антисемия антонимияга нисбатан кенг ҳодиса бўлиб, юқоридаги икки бирлик “ҳаёт” ва “ўлим” семалари билан антисемик муносабатда келяпти.

Бутун дунё матбуоти саҳифаларидан тушмайдиган, киноленталарига рангли-рангсиз тасвирда туширилган, шимолий қутбдан то Африкагача айланиб чиққан, ҳатто океан ортида неча марталаб намойиш қилинган бу манзаралардан энди қуриб қолган чинору, бўшаб, ҳувиллаб ётган лайлак уясигина қолганди (С.Аҳмад, Йўқотганларим ва топганларим).

Кўриниб турибдики, генератив бирликлар инсоният ва ҳайвонот олаmidан ташқари ўсимликлар доирасида ҳам кузатилади. Келтирилган парчада *қуриб қолган* бирикмаси дарахтга, чинорга нисбатан қўлланилган бўлиб, унинг зидди сифатида *кўкармоқ* лексик бирлигини келтириш мумкин. Улар ўртасидаги антисемик муносабат “униш”, “ўсиш”, “яшнаш” ҳамда “сувсизланиш”, “йўқолиш” семалари ёрдамида реаллашади.

Юқоридаги ички гуруҳлар доирасида “жараён” семали генератив лексемаларнинг таркибидаги қизариш – саргайиш жуфтлигидаги антисемик муносабат таъкидлаб ўтилди. Чунки ўзбек тилидаги қатор ранг-тус англатувчи лексемалар кўп ҳолларда генератив бирликлар билан бир мақомга эга бўлади. Масалан, юзига қизил югурмоқ, юзи оқармоқ, саргаймоқ, кўкармоқ бирликлари инсонга хос биологик ҳолатни англади. Айни вақтда улар ўртасида ҳам антисемик муносабат кузатилади: юзига қизил югурмоқ –саргаймоқ, юзи оқармоқ тарзида. Юзи оқармоқ бирикмаси таркибида “қўрқиш” семаси ҳам мавжуд. Аммо кейинги зидликка асос сифатида бирикма таркибидаги “рангсизланиш”, “ҳолсизланиш” семалари восита бўляпти: юзига қизил югурмоқ (согайиш) – юзи оқармоқ (хасталаниш).

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, кўкармоқ генератив бирлиги дастлабки денотатив маъноси билан ўсимликларга оид лексемаларга тааллуқли бўлса, қуршов доирасида коннотатив маъно ҳам касб этади ва инсонга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ё парвардигор не гуноҳим бор эдики, ўз пушти камаримдан тўраган фарзанд таънаю маломат чилвири билан мани бўгса!.. Илоё кўкармагайсан, илоё тирноққа зор бўлгайсан, - деганда таниш миршаблар ҳам йиглаб юбордилар, турманинг тошлари ҳам бу фарёддан эриб кетгандек бўлди... (С.Аҳмад, Йўқотганларим ва топганларим)

Кўкармоқ лексемасининг “ўсимлик”, “ҳаракат”, “яшнаш”, “ўсиш” сингари семаларидан “ҳаракат”, “яшнаш”, “ўсиш” семалари кўчма маъно учун асос бўлган. Бу ўринда кўкармагайсан инкор феъли орқали қарғаш маъноси бериляпти ва унинг “қуриш”, “сўлиш”, “сўниш” семалари ифодаланмоқда.

Хуллас, генератив бирликлар парадигмасида бир-бири билан ўзаро оппозитив муносабатда бўлган бирликларнинг ўрни жуда муҳим бўлгани сабабли, табиий равишда, уларнинг антисемик муносабатлари ҳам бу бирликларнинг лингвистик хусусиятларини ёритишда катта роль ўйнайди.

References:

1. Abdullaeva D.A. O'zbek tilida antisemiya.... Toshkent, 2010.
2. O'zbek tilining izohli lug'ati. Beshinchi jild. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, Toshkent. – 2008.
3. Lutfullaeva D.E. Assotsiativ tilshunoslik nazariyasi. Toshkent: MERIYUS, 2017.